

Аллоҳ сатр қилсин



09:44 / 07.02.2024 1677

Аллоҳ таоло бандасини илк гуноҳи сабабли шарманда қилмайди!

Бир йигит ўғирлик билан қўлга тушди. Уни тутиб, Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурига келтиришди. Ҳазрат Умар унинг қўлини кесишни буюрдилар. Йигит қўлини кесмасликларини сўраб: «**Аллоҳ номига қасам ичаман, бу илк бор ўғирлик қилишим!**», деди. Умар розияллоҳу анҳу: «**Ёлғон гапирдинг, Аллоҳ таоло бандасини илк гуноҳи сабабли шарманда қилмайди!**», дедилар.

Ривоятга кўра, Мусо алайссалом замонида қурғоқчилик ва очарчилик бошланди. Одамлар у зотнинг олдига келиб: «**Эй Мусо, Аллоҳга дуо қилиб бизларга ёмғир сўраб бер!**», дейишди. Мусо алайҳиссалом дуо

қилгани чиқдилар у зотга қавмларидан етмиш минг обид ва зоҳид инсонлар эргашди. Мусо алайҳиссалом дуо қила бошладилар. Шунда Аллоҳ таоло шундай деди: **«Эй Мусо, орангизда қирқ йилдан бери юзсизларча менга исён қиладиган бир киши бор. Ўшанинг сабабидан сизлардан ёмғирни ман қилдим»**, деди.

- Ё Рабб, ким у одам? - дедилар.

- Сен уни чақиргин, ўзи жавоб беради, деди, Аллоҳ таоло.

- Етмиш минг одамнинг ичидан қандай қилиб чақира олардим?

- Сен чақир, Биз унга етказамиз!

- Мусо алайҳиссалом қавмга юзландилар ва: **«Ҳой, қирқ йилдан бери Аллоҳга уялмасдан гуноҳ қиладиган киши! Орамиздан чиқ! Аллоҳ сенинг сабабингдан бизларга ёмғир бермаётган экан!»**, дедилар.

Ҳалиги киши бу гапларни эшитиб, гап ўзи ҳақида эканини билди ва қаттиқ уялди. Қавмдан ажраб чиқса, ҳамманинг олдида шарманда бўлишини, қавм ичида қолса, бутун қавм у сабабли ёмғирдан маҳрум бўлишини ўйлади-да, кийимини бошига ўраб: «Раббим, тавба қилдим, тавба қилдим!», деб нола қилди. Шу заҳоти осмондан ёмғир ёға бошлади. Бундан Мусо алайҳиссалом ажабланиб: «Эй Раббим, ичимиздан ҳеч ким чиқмасидан ёмғир ёғдику!?!», дедилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй Мусо энди ўша инсон сабабли ёмғир ёғдирдим», деди. Мусо алайҳиссалом унинг тавба қилганини тушундилар ва уни табриклаб қўйиш мақсадида кимлигини сўрадилар.

- У Менга қирқ йил осийлик қилганида ҳам бировга билдирмадим, энди тавба қилганида айтишимни истайсанми?! - деди, Аллоҳ таоло.

Салафлардан бири айтган экан: **«Беҳисоб гуноҳлар қияпмиз, лекин Аллоҳ таолонинг бизга бераётган неъматлари ҳам беҳисоб. Қай бирига шукр қилишни билмай қолдик - бераётган гўзал неъматларигами ёки қабиҳ гуноҳларимизни яшириб турганигами!»**

Хулоса шуки, Аллоҳ таоло бандасига ўта марҳаматлидир. Банда бир гуноҳ қилар экан уни дарҳол азобга тутмайди ёки шарманда қилмайди. Балки унга тавба учун муҳлат беради. Лекин банда бу имкониятни суистеъмол

қилса, уни ўша гуноҳи билан омма ичида шарманда қилади, ҳеч ўйламаган, кутмаган тарафдан айбларини очиб ташлайди. Агар шунда ҳам банда кўзини очмаса, уни охиратда қаттиқ азоб кутади. Буниси энди яна ҳам дахшатли ва аламли бўлади.

Бундан илк гуноҳни қилавериш кераклиги тушунилмайди, аслида бандани шармандаликка олиб борган гуноҳлар кўпинча бир бора қилиб кўриш билан бошланади. **«Тома-тома кўл бўлур»**, деб бежиз айтилмаган.

Икром Шариф

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 25 январь 03-07/400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.